

Ақийда дарслари (101-дарс). Имом Абулҳасан ал-Ашъарий



13:03 / 07.09.2020 5764

islom.uz - 008 - ??? ???? ?????? ??-??????

Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳининг насаблари улуғ саҳобий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳуга бориб тақалади. У киши Бағдодда яшаб, ўша ерда 324 хижрий санада вафот этганлар.

Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи дастлаб мўътазилийларнинг бошлиғи Абу Али Жибойидан дарс олган ва кези келиб ўзи ҳам мўътазилийларга бош бўлган. Кейин тавба қилиб, мўътазилийларга қарши бўлган. Уларнинг айбларини фош қилган ва Аҳли

сунна ва жамоанинг имоми бўлишга эришган.

Имом Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи Аҳли сунна ва жамоа ақийдаси бўйича бир неча китоблар ёзган. Улардан баъзиларини эслаб ўтайлик.

1. «Мақолотул исломиййин».

Имом Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг бу китобларида Аҳли сунна ва жамоанинг ақийдасини баён қилиб берган.

2. «Ал-Ибона».

Бу китобда Аҳли сунна ва жамоанинг мазҳаби имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг қавллари асосида баён этилган ҳамда мўътазилий ва жаҳмийларга раддиялар қилинган.

3. «Рисолатун ила аҳлис сағр».

Мазкур рисолада имом Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи мўътазилийларга маълум бир масалаларда раддия қилади ва ўзининг имом Аҳмад мазҳабида эканини баён этади.

Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг мазкур уч китобида оят ва ҳадисларни таъвил қилиш йўлига ўтмайди. Салаф уламолари, хусусан, имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳининг йўлларини тутди.

4. «Ал-Ламаъ».

Имом Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг бу китобида аввалги уч китобидагидан бошқача йўл тутиб, ақлий далилга ҳам эътимод қилади. Шундай қилиб, у киши бу китобда салаф уламолар йўлидан эмас, кейинги, таъвил йўлини тутганлар изидан боради.

Имом Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳининг ҳаётлари ва мазҳабларини чуқур ўрганган уламолардан шайх Муҳаммад Абу Заҳра раҳматуллоҳи алайҳи қуйидаги хулосаларни қиладилар:

«Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда келган ақийдаларни олган ва тушунтиришнинг барча услубларини қўллаган.

Ташбиҳга оид оятларнинг зоҳирини – сиртқи маъносини олган. Аммо ташбиҳга ўтмаган. У Аллоҳ таолонинг бандаларнинг юзига ўхшамаган юзи ва У Зотнинг махлуқотларнинг қўлига ўхшамаган қўли борлигига эътиқод қилган.

Ақоидга оҳод ҳадислардан ҳужжат келтирган.

Аҳли ҳавонинг барчасидан, мўътазилийлардан четда бўлган.

Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳининг мазҳаби ўртача ва мўътадил мазҳабдир. У киши ақийдаларга далил келтиришда ҳам нақлдан, ҳам ақлдан истифода қилган. Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда келган Аллоҳ таолонинг, Унинг расулларининг ва охират кунининг васфларини собит қилади. Ақлий ва мантиқий далилларни ҳужжат қилиб келтиради. Шунингдек, у киши фалсафий масалалардан ҳам фойдаланган. Чунки Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий раҳматуллоҳи алайҳи мўътазилийлар, файласуфлар, қарматийлар, ботинийлар, рофизийлар ва бошқаларга раддиялар қилган. Бу ишда эса ўшаларни қаноатлантириш ва зиддиларига далил келтириш лозимдир».

«Сунний ақийдалар» китобидан